



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (12.606)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ташаббус-2014»

ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШИШАДИ

Айни кунларда пойтахтимиз туманларида «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ташкил этилаётган тадбирнинг навбатдагиси Олмазор туманида бўлиб ўтди.

Унда йил якунларига кўра юқори кўрсаткичларга эришган, янги иш ўринларини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини янада кўпайтиришга эришган тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этди.

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуғини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитларнинг самардорлигини ўрганиш, жамиятда тадбиркорлик фаолияти даражасини оширишни назарда тутувчи илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш ва кўтариш, ишбилармонлар орасида ўзаро тажриба алмашинуви ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намоишини ташкил этишдан иборат.

«Ташаббус» кўрик-танловидеа иштирок этишни истовчи тадбиркор ва ҳунармандларимиз сони йилдан йилга ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Олмазор тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Адиба Каримова. — Мазкур танлов тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, ташаббускор ҳамоҳусларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу интилишларини амалга оширишда қўмаклашиш борасида муҳим роль ўйнамоқда.

Танловда «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича «AZIA COOL TECHNOLOGY» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нигмат Валиев ғолиб бўлди.

— Мазкур танлов биз, тадбиркор ва ҳунармандларнинг интилиш ва истеъдодимизни намоиш этган ҳолда ўзаро тажриба алмашишимиз йўлида жуда қўл келмоқда, — дейди Н.Валиев. — Танлов ишлаб чиқариш ва миллий ҳунармандчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшади. Эришган ютуғимиз келгусида корхонамиз жамоаси зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Тумандаги энг яхши корхона сифатида бундан-да сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Егоч ўймакорлиги йўналишида бетакрор санъат асарларини яратган Раҳимқўжа Азларов «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» деб топилди.

Тадбирда «Энг ёш ҳунарманд», «Йилнинг энг яхши ҳунарманд аёли», «Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши оилавий бизнес» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Етакчи ўринни эгаллаган тадбиркор ва ҳунармандлар танловнинг шаҳар босқичига йўланма олдилар.

Ғолибларга танлов ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академиясида
мамлакатимиз БМТга аъзо
бўлганининг 22 йиллигига бағишлаб
«Дунё тан олган юртим» мавзусида
маънавий-маърифий анжуман
ўтказилди.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ДУНЁ ТАН ОЛГАН ЮРТИМ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, ҳарбий лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон билан БМТ ва унинг қатор тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик туфайли ижтимоий-иқтисодий, фан-таълим, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Ёшларни бу йўналишда олиб борилаётган ишлар, мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатининг ўзига хос йўналишлари билан таништириш уларнинг дунёқарашини бойитиш, ҳаётий позициясини шакллантириш, юрт тақдири, унинг хавфсизлиги учун масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, ҳарбий лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари билан кўплаб учрашув, анжуман, мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги мавзусига бағишланган видеофильм намоиш этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni

АЁЛНИ ҚАДРЛАШ — МИЛЛАТНИ ҚАДРЛАШ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан
8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Унга мазкур жамоат ташкилотининг жойлардаги бўлимлари мутасаддилари, турли соҳаларда фаол меҳнат қилаётган аёллар, талаба-қизлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан турли тармоқларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини қучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги амалий эътиборни тобора қучайтириш мақсадида мазкур жамоат ташкилоти қошида хотин-қизлар

кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар манфаатларини қучайтиришга оид янги қоидалар киритилгани ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун имтиёз ҳамда қўлайликлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди. Хусусан, жамоа шартномалари орқали ўтган йили 5,5 мингга яқин корхонада икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган 11,5 минг нафарга яқин ёш онага қарийб тўрт миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулкчи шаклидаги 2,5 мингга яқин корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 7 минг 360 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти ўрнатилди. Хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маданийтини ошириш, касаба уюшмаларининг «ишонч телефонлари» орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Ижтимоий шериклик асосида меҳнат бозорида аёллар манфаатларини ҳимоялаш, ишловчи аёлларнинг малакасини ошириш, касба йўналиштириш, қайта ўқитиш, хавфсиз меҳнат шартини таъминлаш, репродуктив саломатликларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам доимий эътиборда. Чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиб, улар бандлиги таъминланмоқда. Ўтган йили ана шундай аёллардан катта гуруҳи касаба уюшмалари томонидан 130 миллион сўмлик электр маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. Соғлом бола йилида бу борадаги кўрсаткичларни янада ошириш кўзда тутилган.

Тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи оилаларнинг вакиллари бўлган 50 нафар аёлга «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўланмалар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намоиши этилди.

Назозат УСМОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН «ТТС TRAVEL MART-2014» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК АНЖУМАНИДА

Жакартада «ТТС Travel Mart-2014» XX халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Осиё, Европа ҳамда Америка қитъалари мамлакатларида фаолият кўрсатадиган 200 дан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари мамлакатимизнинг Индонезиядаги дипломатия миссияси томонидан «Mitamax Travel Management» компанияси билан ўзаро ҳамкорликда тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, миллий услубда безатилган Ўзбекистон бўлмаси ярмарканинг кўп сонли қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур халқаро анжуманда «ТТС Travel Mart-2014» ярмаркасининг иштирокчи ва меҳмонлари республикамизнинг бой тарихий ва маданий мероси, юртимиз заминидagi қўхна шаҳарлар, бекиёс меъморий

обидалар ва ёдгорликлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир чоғида Ўзбекистоннинг қулай жўғрофий жойлашуви, сайёҳлик инфратузилмаси, тараққий топган транспорт-коммуникация салоҳияти ва бошқа мавжуд имкониятларга, шунингдек, юртимизда бебаҳо маданий-тарихий ёдгорликларни авайлаб-асрашга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ҳамда сайёҳларга кўрсатиладиган хизматларнинг юқори даражаси билан боғлиқ маълумотларга ҳам катта қизиқиш билдирилди.

«Жаҳон» АА
Жакарта

2014 йил 6 МАРТ, ПАЙШАНБА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах туманида узумчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда узумчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар мутасаддилари, мутахассислар иштирок этди.

● Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ҳамкорлигида «Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва ўз фаолиятини бошлаш истагида бўлган хотин-қизлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Хоразм вилоятида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан иқтидорли қизлар анжумани бўлиб ўтди.

● Бердак номидаги қорақалпоқ давлат университети ахборот-ресурс марказида «Китоб — билим булоғи» деб номланган очиқ эшиклар кuni ўтказилди.

● Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейида «Ижодимиз сенга, Ватан!» деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг «RWE» энергетика концерни 2013 йилни 2,76 миллиард евро микдоридagi зарар билан якунлади. Бунга муассаса томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми аввалги йилдagi нисбатан 4,6 фоиз камайгани асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Шу боис «RWE» мутасаддилари 2016 йилга қадар жиддий ислохотлар ўтказиш ниятида.

● Жорий йилнинг январь ойи бошидан буён Испанияда ишсизлик нафақаси сўраб мурожаат қилганлар сони 1949 кишига камайган. Сўнгги ўн икки ой давомида бу микдор 227 736 кишига қисқарган. Аммо бандликнинг умумий аҳволи ҳали қониқарли даражада эмас. Чунки ҳозир Испанияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 4,8 миллион нафари ишсиз.

● Шимолий Америкада кузатилаётган қаттиқ совуқ туфайли мазкур минтақадаги Буюк кўл номи билан аталувчи йирик сув ҳавзасининг 90,5 фоизи музлаб қолди. АҚШ ва Канада ҳудудидаги бешта — Юқори, Гурон, Мичиган, Эри ҳамда Онтарио кўллари ни қамраб олган мазкур ҳавзада бундай ҳодиса сўнгги 20 йил ичида биринчи марта рўй берди. Яъни 1994 йилда Буюк кўлнинг 90 фоизи музга айланганди.

ИНСОН ШАЪНИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик йилларида энг олий қадрият бўлиш инсон қадр-қиммати, шаъни ва ижтимоий муҳофазасига энг устувор вазифа сифатида катта эътибор қаратилди. 2013 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши ҳам айнан юқоридаги мақсадлар йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хусусан, ҳозирда ушбу қарорнинг изчил ижроси юзасидан жойларда ҳудудий комиссиялар иш олиб бормоқда. Улар қорхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда давра суҳбатлари ўтказиб, ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса ёшларга етказмоқдалар. Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни мутасадди идоралар томонидан тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни меҳнатга жалб этиш, моддий ёрдам кўрсатиш каби барча зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Шунингдек, улар яшаш манзилларида тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда даволаш муассасаларида саломатликларни тикланмоқда. Фуқаролик паспортларини тиклаш, рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштириш борасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари Тошкент шаҳар прокуратурасининг тақдимномасига мувофиқ Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш бўйича илтимосномалар судга киритилиб, жиноят ишларини ҳаракатдан тугатиш бўйича иш олиб бориломоқда.

Масалан, Л. Искандарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) М. Ниёзова, З. Йўлдошева, И. Мухторов каби бир қатор фуқароларни ўғли ёки қизини ўқишга қиритиб қўяман дея фирибгарлик йўли билан алдаб катта миқдордаги пул маблағларини ўз эҳтиёжлари йўлида ўзлаштириб юрган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги қарорининг шундай банди: «Кичик бандида таъминланган жазодан озод қилиниши, шунингдек, 6-бандига асосан — ушбу қарорнинг 1-ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишларнинг тугатилиши белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда суд Л. Искандаровага нисбатан ҳам Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 6-банди, ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 2- бандига асосан ушбу жиноят ишини ҳаракатдан тугатишнинг лозим деб топди. Томонларга етказилган зарарни ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўшунтирилди.

Хулоса сифатида шунини айтиб ўтиш ўринлики, мустақиллигимизнинг ўтган 22 йили мобайнида 24 мартаба мазмун-моҳияти кечиримлилик ва бағрикенгликка қаратилган Амнистия акти қабул қилинди. Унга асосан қанчадан қанча инсонлар жазодан озод этилиб оиласи бағрига қайтди. Озодлигининг бебаҳо неъматлиги, тинч ҳаёт кечириш, меҳнат қилиб фарзандлари камолини кўриш улкан бахт эканлигини англаб етди. Бу йўлда шу юрт фарзанди бўлган ҳар биримиз тарбиячи бўлмоғимиз, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётганларни бу йўлдан қайтармоғимиз лозим. Чунки она юртимиз Ўзбекистоннинг тинчлигини сақлаш барчамизнинг бурчимиз.

**Камол ТАДЖИКУЛОВ,
Олмазор тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ


Йиғилишда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» қорхонаси томонидан 2013 йил давомида амалга оширилган ишлар ва 2014 йилга белгиланган вазифалар муҳофаза қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қорғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида АКТ соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, аҳолининг симли алоқага бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда уларга сифатли хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, телефон тармоқлари орқали кўрсатиладиган хизмат турларини аҳоли орасида янада кенг тарғиб қилиш, Uz-Online офислари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларнинг вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳамда миқдорларга барча турдаги хизматларни тез ва сифатли кўрсатиш тизимини яратиш тавсия этилди.

Бундан ташқари «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» қорхонасига, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасига аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларда янги технологик қурилмаларни ўрнатиш ва уларнинг сақланиши бўйича қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари И.Салиходжаев, О.Жиянбаев, А.Қосимов, А.Саттарова, А.Хошимов, Б.Ахмеджанов, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» қорхонаси раҳбари Ш.Абидходжаев, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Компьютерлаштириш маркази раҳбари М.Асомов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



ИННОВАЦИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Тошкент Давлат иқтисодий университетидида «Худудлар ташқи иқтисодий фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, иқтисодчи олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари иштирок этишди. Тошкент давлат иқтисодий университети ректори А.Ваҳобов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Н.Жумаев ва бошқалар мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожлантиётгани, макроиқтисодий барқарорлик изчил мустаҳкамланётгани, таркибий туб ўзгаришлар муваффақиятли амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада инновацион фаолиятни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Зеро, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, замонавий технологияларни жорий қилиш, бозор инфра-тузилмасини ривожлантириш инновацияларга боғлиқ.

Шу муносабат билан иқтисодиётимизни жаҳон бозорига чиқариш ва унинг рақобатбардорлигини оширишга нисбатан инновацион ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурати тобора ортиб бораётган.

Конференцияда саноат соҳасида инновацион тараққиётни ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бунда ушбу жараёнга мамлакатимизнинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга ва инвестицион жозибадор ҳудудларини кенг жалб қилиш лозимлиги қайд этилди.

Ташқи иқтисодий жараёнларни инновацион ривожлантиришда иқтисодий таълим сифатини ошириш муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Негаки, ёш мутахассислар янги дунёқараш, фикрлаш ва янги технологияларни ишлаб чиқишга қодирлиги билан ажралиб туради.

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялаштириш инновацион ривожланишнинг муҳим омилidir,

— дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент давлат иқтисодий университети-нинг ташқи иқтисодий фаолият кафедраси катта ўқитувчиси Р.Абдураунов. — Бугунги конференция назариячи ва амалиётчи иқтисодчилар ҳамкорлиги инновациялар соҳасида янги илмий тақдир ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беришини яна бир бор тасдиқлади.

Тадбир қатнашчилари ҳудудларни инновацион ривожлантиришда банк, молия институтлари, солиқ тузилмалари муҳим ўрин тутиши, транспорт-коммуникация тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, ташқи иқтисодий фаолият, маркетинг ва менежмент бўйича ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш зарурлигини ҳам таъкидлашди.

Бобур ОБИДОВ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида соғлом рақобатни ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари хусусий секторнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратиш имконини бераётган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, солиқ ҳисоботи турлари 2,3 баробар, статистик ҳисоботлар 30 фоиз, рухсат бериш тартиб-таомиллари 38 фоиздан кўпроқ камайтирилди. Барча кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этмоқда.

Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёти-

тиш ҳажми ошмоқда, барча ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, аҳоли бандлигининг ўсиши таъминланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соғлом рақобатни шакллантиришга кўмаклашмоқда, бозор қонъюнктурасига тез мослашиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган.

Бугунги кунда Ўзбекистон бизнесни рўйхатдан ўтказиш шартлари бўйича дунёнинг 189 давлати орасида 21-ўринни эгаллаб турибди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида юқори ликвидли ва монополия маҳсулотларини бир-жа савдолари орқали сотиш механизми биринчи бўлиб мамлакатимизда жорий этилган. Бу эса хусусий тадбиркорлик субъектларининг юқори ликвидли хомашё ва материаллардан фойдаланиш имкониятини сезиларли кенгайтиришга ёрдам берди.

Шунингдек, табиий монополия субъектлари ва давлат қорхоналари корпоратив харидларини электрон савдолар орқали амалга оширишнинг янги тартиби жорий қилинди. Айни пайтда корпоратив харидларнинг қарийб 98 фоизи кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келмоқда. Бундан ташқари, сўнгги уч йилда фойдаланилмаётган давлат мулкни тадбиркорларга ижарага бериш кўрсаткичи икки баробар ошди ва бунинг самарасида 44 мингга иш ўрни яратилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА муҳбири**

**Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
БОЗОРЛАР ВА САВДО
КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ
МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН
УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР
МАРТАЛИК ЙИГИМЛАР, ИЖАРА
ТЎЛОВЛАРИ ВА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР
ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ
МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сонли қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил 17-сон, 131-модда.) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 30 декабрдаги 116-сонли ҳамда 2013-47-сонли қарори (рўйхат рақами 2551, 2014 йил 8 январь) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 13 январь, 2-сон, 27-модда) билан «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари» тасдиқланганлигини инобатга олиб, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан, (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.)

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:
Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ;
«Iste'molda bo'lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинадиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари ва «O'rikzor ixtisoslashgan bozori» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинадиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1.1 ва 1.2-иловаларга мувофиқ;

Бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундирилаётган тўловларининг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3-иловага мувофиқ;
Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидagi бино, иншоот ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундирилаётган тўлов миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими (Р.Раимов), Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (У.Баходиров), «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.Хамраев);

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 21 январдаги «Beshqo'rg'on savdo kompleksi» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 69-сонли қарорининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ф.Зияев), Ташкилий-назорат гуруҳи (И.Бердибеков), Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.Хамраев);

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундирилаётган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 239/4-25-сонли ва 2013 йил 9 июлдаги «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундирилаётган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисидаги 239/4-25-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 263/4-27-сонли қарорларини бекор қилиш юзасидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессия кун тартибига киритилсин.

5. Мазкур қарор www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин, «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталарида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев ва Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.Абдумажитовлар зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов**

2014 йил 4 март

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Учтепа туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилган байрам тадбири ҳам Ўзбекистон Солиқ академиясида файз ва тароват билан ўтди.

КЎНГИЛЛАР НУРАФШОН БЎЛДИ

— Бугун юртимизда хотин-қизларнинг турли соҳаларда самаралари фаолият олиб бораётгани, катта ютуқларга эришяётгани барчамизни қувонтиради, — дейди Учтепа тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Мактуба Орипова. — Айниқса аёлларимизнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасидаги фаолияти диққатга сазовор бўлмоқда. Биз аёллар учун ташкил қилинган бугунги байрам тад-

бири ҳам жуда сермазмун ўтмоқда. Аёлнинг кўнгли гулданда нозик, Меҳрибон, мушфик, мунис ва мўътабар оналаримиз, назокатли опа-сингилларимиз ҳамма шундай эъзозда бўлинлар...

Кечада «Хавас» гуруҳи, «Мирзо» театри иштирокчилари, «Хумо» ансамбли, Зулфия номидаги маданият уйи рақс дастаси, Республика ихтисослаштирилган санъат мактабининг «Истеъдод» дуторчи қизлар

ансамбллари ўзларининг дилдор куй-қўшиқлари билан тадбирнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб бердилар.

Тадбир доирасида Учтепа туманининг иқтисодий-ижтимоий соҳаларида салмокчи фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, мураббийлар, табибёт ходимлари, меҳнат фахрийлари, илм, фан, спорт ва бошқа соҳаларда ютуқларга эришяётган етакчи қиз-

лар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Аёллари соғлом элнинг фарзандлари баркамол, келахаги нурафшондир. Бугун юртимизда қайси бир соҳани олиб кўрманг, ўз ўрнини топаётган аёллар сафи кенгаймоқда. Аслида аёлнинг жамиятда ўрнини топиши унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч олиб яшаётганидан далолатдир.

Бундай байрам тантаналари эса меҳридар, меҳнаткаш, мушфик, мунис аёлларимизнинг, гўзал қизларимизнинг кўнглини нурафшон этиб, дилларига бир олам қувонч ҳада этмоқда.

Учтепа тумани

хотин-қизлар

кўмитаси томонидан

«Кўҳна Чўпонота»

маҳалласи ҳудудида

жойлашган Учтепа

спорт мажмуасида

8 март — Халқаро

хотин-қизлар

байрами муносабати

билан «Соғлом аёл —

жамият таянчи»

шиори остида спорт

мусобақаси

ўтказилди.

СОҒЛОМ АЁЛ —

ЖАМИЯТ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

ТАЯНЧИ

Тадбирлар

ШОИРНИ
ХОТИРЛАБ

Тошкент Фармацевтика институтида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кечани институт ректори профессор А.Юнус-хўжаев кириш сўзи билан очди. Сўнг Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов «Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси», Назира Ас-Салом «Муҳаммад Юсуф шеърятининг тил хусусиятлари», шоир Олқар Дамин «Муҳаммад Юсуф шеърятининг бадиияти» мавзуларида маърузалар қилишди.

Кечанинг бадиий қисмида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг «Файнур» талабалар ансамбли томонидан дилдорлар наволар, куй-қўшиқлар ижро этилди, Тошкент Фармацевтика институтида тахсил олаётган ижодкор талабалар Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган шеърларидан намуналар ўқилди.

Нигора АШУРОВА,

Тошкент Фармацевтика институти
маънавият ва маърифат бўлими ходими

Таълим масканларида

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚ

Олмасор туманидаги 226-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорликларида уюштирилган тадбир ёшларнинг ҳуқуқий савдоҳонлигини ошириш, гиёҳвандлик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш масалаларига бағишланди.

Унда иштирок этган педагоглар, ички ишлар ходимлари ёшлар орасида ҳуқуқий савдоҳонлигини, янада оширишга эришишнинг муҳим омиллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига, билимларини ошириш, касб-хунар ўрганишларига имкон яратиш, ёшларнинг компьютер технологияларидан самарали фойдаланишларига эришиш зарур эканлигини яна бир қарра таъкидлаб ўтишди. Шунда ёшлар зарарли одатларга ружу қўймайди, ёт ғоялар таъсирига, гиёҳвандлик домига тушмайди. Бунинг учун уларнинг ҳуқуқий билимларининг ҳам юксак даражада бўлиши лозимдир.

Тадбир қатнашчилари бу борада келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар режасини белгилаб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

МАРКАЗДА
МАЪНАВИЯТ
ДАРSLARI

Ўзбекистон Республикаси ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тасарруфидати Кинолог ходимлар ва қўриқув-хизмат итларини тайёрлаш марказида ҳар ойда Ватан туйғуси ва миллий қадриятлар мавзусида маънавий машғулотлари бўлиб ўтди. Машғулотлар асосан она юртва, унинг халқсиз ва барқарор ривожланишига бағишланган мавзуларда сермазмун даражада олиб борилади.

Яқинда истеъфодаги полковник Абдурашид Шодиев навбатдаги машғулотда она Ватан, унинг сарҳадларидаги оқошталлик, қидирув-хизмат итларининг ҳушёрлиги ҳамда сезгирлиги тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб берди. Бу ўз навбатида мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган бўлажак кинологларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, марказ раҳбарияти томонидан бу ерга малака ошириш ва қайта тайёрлаш учун ташриф буюрган тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини янада такомиллаштириш ҳамда пухта малака оширишлари учун мамлакат ИИБ ва ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари ҳам машғулотларга таклиф қилинади. Шунингдек, маънавий дарсларига таниқли олимлар, санъат усталари ташриф буюришади. Чунончи, Ўзбекистон Муслмонлари идораси раҳбари ўринбосари, А.Юнусов, профессор К.Норматов, халқ артисти Р.Иброҳимова, Э.Комилов, доцентлар Д.Ҳабибуллаева ва Н.Полвонларнинг маънавият дарсларидаги чиқишлари тингловчиларга манзур бўлди.

Мурувватхон НОРМАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Зангиота т. СИБ томонидан № 3497/9-сонли и.х.га асосан «Уаз-3151201» д.р. 12F0723. Бошлангич баҳоси — 331938 сўм. 2. Зангиота т. СИБ томонидан № 6585/9-сонли и.х.га асосан 1982 й. и.ч. «КамАЗ5320» д.р. 30K7639. Бошлангич баҳоси — 11381548 сўм. 3. Зангиота т. СИБ томонидан № 14426/10-сонли и.х.га асосан 1982 й. и.ч. «ГАЗ2401» д.р. 11X0861. Бошлангич баҳоси — 1007316 сўм. Зангиота тумани, «Нурфашон Бизнес Савдо» ХС/ИЧ омборхонасида сақланмоқда: 4. Зангиота т. СИБ томонидан № 7279/8-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «МерседесБенц» д.р. 1104482. Бошлангич баҳоси — 6372918 сўм. 5. Зангиота т. СИБ томонидан № 6074/9-сонли и.х.га асосан 1988 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 11Z7995. Бошлангич баҳоси — 447774 сўм. 6. Зангиота т. СИБ томонидан № 6529/9-сонли и.х.га асосан 1976 й. и.ч. «Уаз452» д.р. 11U4315. Бошлангич баҳоси — 664587 сўм. 7. Зангиота т. СИБ томонидан № 6688/9-сонли и.х.га асосан 1980 й. и.ч. «Уаз452А» д.р. 11Q0474. Бошлангич баҳоси — 1096200 сўм. 8. Зангиота т. СИБ томонидан № 7056/9-сонли и.х.га асосан 1986 й. и.ч. «Уаз396201» д.р. 30C8069. Бошлангич баҳоси — 1084306 сўм. 9. Зангиота т. СИБ томонидан № 7180/9-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Уаз3151201» д.р. 11W7108. Бошлангич баҳоси — 564244 сўм. 10. Зангиота т. СИБ томонидан № 7523/9-сонли и.х.га асосан 1977 й. и.ч. «Ваз2102» д.р. 1101082. Бошлангич баҳоси — 301888 сўм. 11. Зангиота т. СИБ томонидан № 7948/9-сонли и.х.га асосан 1989 й. и.ч. «Уаз3968М» д.р. Ж1898ТШ. Бошлангич баҳоси — 50160 сўм. 12. Зангиота т. СИБ томонидан № 407/11-сонли и.х.га асосан «М2140» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 964592 сўм. 13. Зангиота т. СИБ томонидан № 5343/11-сонли и.х.га асосан 1989 й. и.ч. «М412Н» д.р. 11A4471. Бошлангич баҳоси — 534570 сўм. 14. Зангиота т. СИБ томонидан № 12445/11-сонли и.х.га асосан «Уаз2206» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 1074856 сўм. 15. Зангиота т. СИБ томонидан № 40506/11-сонли и.х.га асосан 1985 й. и.ч. «Уаз469» д.р. 1106428. Бошлангич баҳоси — 1044844 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 16. Зангиота т. СИБ томонидан № 8927/9-сонли и.х.га асосан 1983 й. и.ч. «Уаз452» д.р. 30V9298. Бошлангич баҳоси — 569914 сўм. 17. Зангиота т. СИБ томонидан № 18712/11-сонли и.х.га асосан «Ваз2101» д.р. 10V3505. Бошлангич баҳоси — 1220541 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 18. Зангиота т. СИБ томонидан № 13798/10-сонли и.х.га асосан 1982 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11P0041. Бошлангич баҳоси — 542035 сўм. 19. Зангиота т. СИБ томонидан № 13799/10-сонли и.х.га асосан 1983 й. и.ч. «ГАЗ2410» д.р. 10L519AA. Бошлангич баҳоси — 799828 сўм. 20. Зангиота т. СИБ томонидан № 14361/10-сонли и.х.га асосан 1988 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11Q0010. Бошлангич баҳоси — 571440 сўм. 21. Зангиота т. СИБ томонидан № 851/11-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 11X1806. Бошлангич баҳоси — 1017443 сўм. 22. Зангиота т. СИБ томонидан № 865/11-сонли и.х.га асосан 1989 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11Z7714. Бошлангич баҳоси — 635508 сўм. 23. Зангиота т. СИБ томонидан № 871/11-сонли и.х.га асосан «Москвич412» д.р. 1101893. Бошлангич баҳоси — 548211 сўм. 24. Зангиота т. СИБ томонидан № 4153/11-сонли и.х.га асосан 1988 й. и.ч. «УралМ67» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 501319 сўм. 25. Зангиота т. СИБ томонидан № 4154/11-сонли и.х.га асосан «ГАЗ69» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 809011 сўм. 26. Зангиота т. СИБ томонидан № 4155/11-сонли и.х.га асосан «ГАЗ24» д.р. 11K4236. Бошлангич баҳоси — 1139136 сўм. 27. Зангиота т. СИБ томонидан № 4915/11-сонли и.х.га асосан «Уаз452» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 1107549 сўм. 28. Зангиота т. СИБ томонидан № 6618/11-сонли и.х.га асосан 1982 й. и.ч. «УралМ67» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 404936 сўм. Зангиота тумани, «Сандумар Абдуллаев» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 29. Зангиота т. СИБ томонидан № 10139/11-сонли и.х.га асосан 1981 й. и.ч. «Ваз2106» д.р. 1109459. Бошлангич баҳоси — 3017931 сўм. 30. Зангиота т. СИБ томонидан № 3838/6-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «Ваз21011» д.р. 10T589EA. Бошлангич баҳоси — 2511331 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 31. Зангиота т. СИБ томонидан № 1397/10-сонли и.х.га асосан 1972 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 10Q0162. Бошлангич баҳоси — 438004 сўм. Зангиота тумани, «Нурфашон Бизнес Савдо» ХС/ИЧ омборхонасида сақланмоқда: 32. Зангиота т. СИБ томонидан № 2069/10-сонли и.х.га асосан 1974 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 11U0803. Бошлангич баҳоси — 409135 сўм. 33. Зангиота т. СИБ томонидан № 2289/10-сонли и.х.га асосан «Уаз469» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 447220 сўм. 34. Зангиота т. СИБ томонидан № 2316/10-сонли и.х.га асосан «Уаз469» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 345120 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 35. Зангиота т. СИБ томонидан № 6749/10-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «Иж2151010» д.р. 11L6283. Бошлангич баҳоси — 727277 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 36. Зангиота т. СИБ томонидан № 6843/10-сонли и.х.га асосан 1976 й. и.ч. «Ваз2106» д.р. 01Q068AA. Бошлангич баҳоси — 1660841 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 37. Зангиота т. СИБ томонидан № 7364/10-сонли и.х.га асосан 1973 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 1101185. Бошлангич баҳоси — 551563 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 38. Зангиота т. СИБ томонидан № 7440/10-сонли и.х.га асосан 1981 й. и.ч. «УралМ6736» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 98677 сўм. Зангиота тумани, «Сандумар Абдуллаев» МЧК омборхонасида сақланмоқда:

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧК бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдо-сизга тақлим этакди!

39. Зангиота т. СИБ томонидан № 8559/10-сонли и.х.га асосан 1976 й. и.ч. «Москвич412» д.р. 11T3707. Бошлангич баҳоси — 532738 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 40. Зангиота т. СИБ томонидан № 8563/10-сонли и.х.га асосан «КамАЗ53212» д.р. 11M0058. Бошлангич баҳоси — 12118413 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 41. Зангиота т. СИБ томонидан № 8676/10-сонли и.х.га асосан «Уаз452» д.р. 10D7845. Бошлангич баҳоси — 840681 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 42. Зангиота т. СИБ томонидан № 12626/9-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «Уаз452» д.р. 11Q2742. Бошлангич баҳоси — 80914 сўм. 43. Зангиота т. СИБ томонидан № 12627/9-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 30I2847. Бошлангич баҳоси — 285449 сўм. 44. Зангиота т. СИБ томонидан № 12628/9-сонли и.х.га асосан 1983 й. и.ч. «Иж412» д.р. 11K1517. Бошлангич баҳоси — 171890 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 45. Зангиота т. СИБ томонидан № 14088/9-сонли и.х.га асосан «Уаз452» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 453695 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 46. Зангиота т. СИБ томонидан № 15529/9-сонли и.х.га асосан 1980 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 01Q432BA. Бошлангич баҳоси — 680395 сўм. Зангиота тумани, «Нурфашон Бизнес Савдо» ХС/ИЧ омборхонасида сақланмоқда: 47. Зангиота т. СИБ томонидан № 1277/10-сонли и.х.га асосан 1980 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 01Z169CA. Бошлангич баҳоси — 335104 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 48. Зангиота т. СИБ томонидан № 1286/10-сонли и.х.га асосан «ГАЗ24» д.р. 01Y583BA. Бошлангич баҳоси — 362313 сўм. 49. Зангиота т. СИБ томонидан № 1340/10-сонли и.х.га асосан 1973 й. и.ч. «ГАЗ24» д.р. 11I2720. Бошлангич баҳоси — 340377 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 50. Зангиота т. СИБ томонидан № 1342/10-сонли и.х.га асосан 1977 й. и.ч. «Уаз» д.р.сиз. Бошлангич баҳоси — 212460 сўм. Зангиота тумани, «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 51. Зангиота т. СИБ томонидан № 10167/9-сонли и.х.га асосан 1988 й. и.ч. «Иж2125» д.р. 11T0899. Бошлангич баҳоси — 298826 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧК омборхонасида сақланмоқда: 52. Зангиота т. СИБ томонидан № 10230/9-сонли и.х.га асосан 1961 й. и.ч. «ГАЗ69» д.р. 11T5344

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидagi Сергели ўқув спорт техника клуби унитар корхонаси томонидан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда ўқ отиш спорт тури бўйича туман биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Спорт янгиликлари

АМАЛИЙ СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Мусобақада тумандаги жами 13 та — 267, 268, 269, 277, 284, 285, 300, 301, 303, 304, 305, 317, 322-умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари иштирок этди. Ҳар бир жамоа таркибида мактабларнинг 6-7-синфларида тахсил олаётган, яъни 1999, 2000, 2001 йилларда туғилган 5 нафардан иштирокчи қатнашди.

Тумандаги вояга етмаган ёшларни спортга жалб қилиш, спорт орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро дўстона муҳитни яратиш, спортнинг амалий тури бўлган ўқ отиш турини кенг ривожлантириш мақсадидан беллашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсадимиздир, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидagi Сергели ўқув спорт техника клуби унитар корхонасининг маънавият, таъликий-оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи йўналиши бошлиги вазифасини бажарувчи, спорт йўриқчи-услубчиси Нафосат Ашурова. — Ўқувчиларнинг жисмоний қобилиятлари ва маҳорат-

ларини юксалтириш, спортнинг амалий турларини ривожлантириш самарадорлиги ва унинг оммавийлигини ошириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш ҳамда вояга етмаган ёшларнинг назоратсизлигининг олдини олишда бу каби спорт мусобақалари айниқса, муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қизгин ва муросасиз кечган баҳслар давомида, ўқ отиш спорт тури бўйича туман биринчилиги 1-босқич мусобақасида фаол қатнашган маҳоратли ўқувчилар аниқланди. Якуний натижаларга кўра, тумандаги 284-мактаб жамоаси юқори натижаларни қайд этиб, 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин 301-мактабга насиб этган бўлса, учинчи ўринни 305-мактаб ўқувчилари қўлга киритди. Ҳали ҳамма оғир ва иштирокчилар ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳали чиққан жамоалар беллашувнинг шахар босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлдилар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий университетда баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Биринчилик баҳсларида 12 та жамоа қатнашмоқда. Пойтахтимиз шарафини «Электроаппарат», «ЎЗМУ» ва СКИФ каби жамоалар муносиб ҳимоя қилиши кутилмоқда.

Шаҳримиздаги «Динамо» спорт мажмуасида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

ЁШ КУРАШЧИЛАР САРАЛАНДИ

Мазкур мусобақада 200 нафарга яқин полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Чемпионатда иштирок этган Зинетдин Тасимов, Зокир Мансуров, Сирож Ҳасанов, Азамат Ашуров, Нодир-

бек Эгамбердиев, Шавкат Одинаев, Асилбек Абдураимов ва Диёр Аролов каби умидли полвонларимиз ўз вазн тоифаларида олтин медалларга сазовор бўлишди. Кумуш медаллар эса Ҳожиакбар Ўткиров, Сан-

Гўзал РУСЛАНОВА

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Туркиянинг Анталия шаҳрида жорий йилги футбол мавсумига тайёргарлик кўраётган «Пахтакор» жамоаси навбатдаги ўртоқлик учрашувида қатнашди.

Россиянинг «Волга» командаси билан беллашган пахтакорчилар учрашуви 0:0 ҳисобида якунлашга муваффақ бўлишди. Ҳар икки томон ўйин давомида дарвоза томон кўп марта ҳужумлар уюштирган бўлсаларда, уни ишғол этиш ҳеч кимга насиб этмади.

Пахтакорчилар бундан аввалги назорат-ўртоқлик баҳсида Россиянинг «Краснодар» жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишган эди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Мусобақада эркалар ўртасидаги баҳсларда биринчи ва иккинчи ўринларни пойтахтлик спортчилар Тимурбек Каримов ва Артём Севатюгин эгаллаган бўлса, буюролик бадминтончи Амрулла Бахшуллаев учинчи ўринга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида кечган баҳсларда пойтахт вакиласи Мария Пакина биринчи, Андижон вилоятидан Сурайё Аҳмаджонова иккинчи ва тошкентлик Анаид Хуршудян учинчи бўлдилар.

Пойтахтимизда ўтган бадминтон бўйича эркалар ва аёллар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида Тошкент шаҳри ва юртимиз вилоятларидан ташриф буюрган 100 нафардан ортиқ спортчилар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб бордилар.

Мусобақалар ҳам жуфтликлар ўртасида, ҳам микст машқида ўтказилиб, барча йўналишларда пойтахтлик спортчилар етакчилик қилди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри, Андижон ва Бухоро вилоятлари вакиллари ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Жавохир ТОШХЎЖАЕВ

Сил билан одам организмнинг барча аъзолари, асосан ўпка, айрим ҳолатларда ҳиқилдоқ, ичаклар, буйрақлар, лимфа тугунлари, суяклар, бўғимлар, тери, кўз зарарланиши мумкин. Инфекция манбаи бўлиб сил билан зарарланган ҳайвонлар ҳисобланади, айниқса бу касаллик қорамоллар орасида кўп учрайди.

Силга қарши курашда касалликнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга. Жамиятимиз ҳаётида керакли тадбирларни ўтказиш учун барча имкониятлар етарли, улар ёрдамида одамларнинг силдан ҳимояланишини ва соғлигини мустаҳкамлаш мумкин. Бунинг учун биз ижтимоий ҳолатни яхшилашимиз, яъни ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш, умумий овқатланиш ти-зимини тўғри йўлга қўйиш, санаотда меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш со-лоҳияти ва маданияти даражасини оширишимиз лозимдир.

Сил инфекциясига одам организми қаршилигини оширишда соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия машқлари, баданини чиниктириш, туризм ва спорт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш катта ўрин тутаяди. Юқоридаги умумсоғломлаштирувчи тадбирлар туфайли касалликнинг олди олинади. Ҳар бир беморнинг шахсий ва жамият гигиенасига риоя қилиши ҳам бунда катта аҳамиятга эга. Сил касаллигига чалинган бемор айниқса болалар билан эҳтиёткорлик билан муносабатда

бўлиши керак, уларни ўпмаслиги, бир қаравотда ухламаслиги керак. У алоҳида ошхона идишлари, чойшаблари, шахсий гигиена воситаларига эга

бўлиши лозим.

Касаллик нафақат бемор одамдан соғлом ки-шиларга, балки уй ҳайвонлари ва зарарланган қушлар орқали ҳам юқиши мумкин. Молларга қаровчи кишилар молхонадаги ҳаводан зарарла-нади. Касал ҳайвоннинг гўшти, тухум, сут махсу-лотлари истеъмол қилинганда сил таёқчаси ош-қозонга тушиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам доимо ҳайвонларни ветеринария кўригидан ўткази-ши керак. Сутдан махсулот тайёрлашда уни қай-натиш орқали зарарсизлантириш керак. Ҳайвон ва қушларнинг гўшти яхшилаб қайнатилади ёки қовурилади.

Мутахассис маслаҳати

ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Сил билан касалланишнинг олдини олиш учун умумий ҳамда махсус профилактика тадбирла-ри катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар 6 ойда тиббий кўриқдан ўтиш ва силга қарши вакцина-ция ўтказиш (БЦЖ вакцинаси) мақсадга муво-фикдир. БЦЖ биринчи вакцинациясини чақалоқ-ларга ҳаётининг биринчи куниди қилинади, қайта вакцинация 7 ёшда, 12 ёшда ва 17 ёшда бажарилади. 30 ёшда ҳам аввал организм зарар-ланмаганлигини текшириб, сўнг қайта эмлана-ди. БЦЖ профилактик эмла-нинг самараси юқорилиги тас-диқланган. У кишини 80 фо-изга сил касаллигидан ҳимоя қилади.

БЦЖ вакцинациясидан таш-қари силнинг олдини олиш про-филактикаси, яъни силга қарши махсус дори воситаларини мақ-садли қўллаш усули ҳам мав-жуд. Бу усул биринчи навбатда сил билан оғриган беморлар билан алоқада бўлган, ҳали касаллик юкмаган болаларга, ўсмир ва катталарга қўлланилади.

Сил касаллигидан бутунлай фориғ бўлиш мум-кин. Бу касалликнинг қанчалик ўз вақтида аниқ-ланганлиги, даво чораларининг бемор ва шифо-кор томонидан ўз муддатида бошланишига, бе-морнинг шу касалликни енгишга, даво чоралари-нинг самарали кечишига бўлган ишончини шакл-лантиришга боғлиқ.

Раҳима РАСУЛЕВА,
шаҳар 1-сон сил касалликлари шифохонаси бош шифокор ўринбосари

Кўргазмалар

БАҲОР ВЕРНИСАЖИ

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида анъанага кўра академиянинг Бадий кўргазмалар дирекцияси томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида «Баҳор вернисаж» бадий кўргазмаси ташкил этилди. Ундан Ўзбекистондаги аёл рассомларнинг санъатнинг турли йўналиш ва жанрларидаги уч юзга яқин асарлари ўрин олган.

Экспозицияга қўйилган асарларда мамлакатимизнинг гўзал табиати, унинг турфа гуллари, йил фасллари, турмуш тарзимида ҳикоя қилувчи лавҳалар, қадриятларимизни эслатувчи тасвирилар, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорлик-лари, миллий натормолар, ҳаёт фалсафаси, унинг динамикаси акс этган. Жумладан, Ўзбекис-тоннинг таникли ҳайкалтароши Людвиг Нестеро-вич «Ўзига тортиш», «Провинциал колорит», «Анъаналарни сақловчи», «Малика Тўмарис» каби асарлари билан қатнашаётган бўлса, Римма Гог-лаева, Вера Нечаева, Искра Шин, Оксана Залевс-кая, Шоира Қўзиева, Барно Сиддиқова, Муниса Ҳасанова каби рассомларнинг асарларида мамла-катимизнинг тоғ атрофи манзаралари, баҳорнинг файзли лаҳзалари ва йил фаслларининг гўзалли-ги акс эттирилган.

Вернисажда рассом, педагог Дилором Мамедо-ва кўп қисми бевосита пленерда ишланган 140 га яқин асарлари билан қатнашмоқда. Кўргазмага қўйилган, самимий ва меҳр билан тасвирланган тоғ қишлоқларининг сокин қўчалари, сойнинг жўшқин суви, қишнинг аёз тонги, тарихий шаҳар-ларимизнинг меъморий ёдгорликлари, турмуш тар-зимиз тарихидан лавҳалар томошабини мулоҳа-заларга чорлайди.

Вернисажда ўзига хос йўналишни шакл ва рангтаъсир ранглари орқали ишлаётган ёш ва фаол Татьяна Фадеева бир туркум «Бир дўппи тарихи», Юлия Алагир «Назорат қилиб бўлмас ҳодисалар оstonасида», «Уйғониш», «Тақдир ўзгартариш дар-возалари» асарлари билан қатнашмоқдалар.

Мазкур вернисаж аёл ижодкорларнинг чексиз фантазиялари орқали нозиклик, нафисликни сақ-лаганиликлари ҳолда ижод қийинчиликларини ен-гиб ўтаётганини санъатда ҳам намоён этаёт-ганлигини кўрсатиб турибди.

Кўргазма жорий йилнинг 17 мартгача давом этади.

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Пойтахтдаги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданият ва санъат кўргазмаси залида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари иштирокида «Дунё халқлари афсонаси» деб номланган ҳисобот кўргазмаси очилди. Унда кулолчилик, чинни, gobelen, рангтаъсир намуналари намоиш этилмоқда.

Тарихдан маълумки, қадимдан савдо қарвонла-ри, саёхатчилар ва бошқа касб эгалари орқали бутун дунё бўйича афсоналар тарқалган. Улар тингловчиларни ўзига жалб қилган, мулоҳазалар-га чорлаган. Ҳар бир афсонада чуқур илдизга эга бўлган ўзига хос поэзия ва фикрлар, гоғлар мав-жуд бўлган. Назира Қўзиеванинг кулолчилик асар-ларида ҳам шуларни кузатиш мумкин. Наталья Доманцевич романтик фалсафага мурожаат қилиб, бир қанча фигуралардан композиция яратган. Ма-салан, «Дунёнинг яралиши», «Ҳаёт онлари» каби асарларида чуқур фалсафани кўраимиз. Миленна Тюринининг девор, дераза ва эшикларга осила-диган безакли, юқори бадий қимматга эга бўлган, қўлда ишланган асарлари ўзига хос дунё-ни англатади. Ануш Авакяннинг кулолчилик асар-ларида бадий уйғунлик шакллариининг нозикли-ги ва аниқлигини, Файрат Даминов ва Римма Га-залмеваларнинг асарларида нақш санъатини кўра-имиз. Экспозициядан таникли ўзбек рассоми Аҳмад Бобоевнинг рангтаъсир асарлари ҳам жой олган. Айтиб ўтиш жоизки, таникли рассомлар билан бир қаторда кўргазмада ёш ижодкорлар ҳам иштирок этишмоқда.

Кўргазма жорий йилнинг 30 мартгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Тошкент шаҳрида 7 март кўни ҳаво ўзгариш

турлари, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Гарбдан секун-

диза 5-10 метр тезликда,

кучайган ҳолда секундида 12-

17 метр тезликда шомол

эсади. Ҳарорат кечаси — 3-

5, кундузи — 13-15 да-
ража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг

мониторинг хизмати

маълумотига кўра,

7 мартда Тошкент

шаҳри об-ҳаво шароити ша-

ҳар ҳаво муҳитида зарарли

моддаларнинг бир оз тарқа-

либ кетишига имконият яра-

тади. Атмосферанинг инфо-

лацияси даражаси 1-3 фойз

пасайиши таъмин қилинмоқда,

таъмин қилинмоқда, наст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалапари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14170 нускада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмақосони. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.10